

**“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖДа коррупциявий омилларни бартараф қилиш,
фаолиятнинг очиклиги бўйича
ТАКЛИФЛАР**

Т/р	Тадбирнинг номланиши	Амалга ошириш шакли	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар	Асослангириш
1.	Жамият ва унинг филиаллари фаолиятида ишонч телефони ва мурожаатлар тизимини такомиллаштириш.	Фуқаролардан аноним мурожаатлар қабул қилиш учун телефон ва электрон почта ташкил этиш.	Доимий	Мувофиқлик тизими (комплаенс) хизмати, Рақамлаштириш бошқармаси	Коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш имкони яратилади.
2.	Ходимлар учун коррупцияга қарши тренинглари ташкил этиш.	Жамият ходимларини коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишда ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти оширишда семинар, тренинг ва малака ошириш курсларини ташкил этиш.	Доимий	Мувофиқлик тизими (комплаенс) хизмати, Ходимлар билан ишлаш, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бошқармаси	Ходимларнинг ҳуқуқий онгини ва ҳуқуқий маданияти ошади.
3.	Электрон ҳужжат айланиш тизимини жорий этиш.	Келиб тушган ҳужжатларни электрон тарзда рўйхатдан ўтказиш ва ижрочиларни йўналтириш.	Доимий	Ижро интизоми назорати бўлими	Ҳужжатларни яшириш ёки сохталаштириш хавфини камайтириш имкони яратилади.
4.	Коррупциявий хавфларни таҳлил қилиш.	Жамият раҳбар ходимларининг коррупция хавфлари харитасини ишлаб чиқиш.	2026 йил 1-чораги давомида	Мувофиқлик тизими (комплаенс) хизмати	Коррупцияга мойил соҳаларни аниқлаш имконини беради.

Т/р	Тадбирнинг номланиши	Амалга ошириш шакли	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар	Асослантириш
5.	Контрагентларни текшириш тизимини (Due Diligence) жорий этиш.	Шартнома тузишдан олдин ҳамкор ташкилотнинг ишончлилигини текшириш.	Доимий	Мувофиқлик тизими (комплаенс) хизмати, Харидлар трансформация офиси	"Инсофсиз" етказиб берувчилар ва фирибгарлик хавфини камайтиради.
6.	Коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро ISO 37001 стандартини жорий этиш.	Халқаро сертификат талаблари асосида бошқарув тизимини аудитдан ўтказиш.	2026 йил давомида	Мувофиқлик тизими (комплаенс) хизмати	Жамиятнинг халқаро нуфузини оширади ва тизимли назоратни ўрнатади.
7.	Коррупция ҳақида хабар берган ходимларни рағбатлантириш тизими.	Ички низом асосида моддий ва маънавий рағбатлантириш чораларини куриш.	Доимий	Мувофиқлик тизими (комплаенс) хизмати, Иқтисодиёт ва режалаштириш бошқармаси	Ходимларда "коррупцияга тоқатсизлик" маданиятини шакллантиради.
8.	Давлат харидларини амалга оширишда жамоатчилик назоратини ўрнатиш.	Харид комиссияси таркибига мустақил экспертларни жалб қилиш.	Ҳар бир харид жараёнида	Мувофиқлик тизими (комплаенс) хизмати, Харидлар трансформация офиси	Маблағларнинг мақсадли ва тежамкор сарфланишини таъминлайди.
9.	"Сирли миждоз" тадбирларини ўтказиш.	Жамият ва унинг филиалларида хизмат кўрсатиш сифати ва таъмагирлик ҳолатларини яширин текшириш.	Йилда 2 марта	Мувофиқлик тизими (комплаенс) хизмати ва тегишли Бош бошқарма, бошқарма, бўлим, хизмат ва офис масъул ходимлари	Ижро интизомини ва ходимларнинг масъулиятини оширади.

Т/р	Тадбирнинг номланиши	Амалга ошириш шакли	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар	Асослантириш
10.	Филиалларда доимий штат бирлиги асосида комплаенс-назоратни ташкил этиш.	Коррупцияга қарши курашиш учун масъул алоҳида штат бирлигини яратиш.	2026 йил давомида	билан биргаликда Иқтисодиёт ва режалаштириш бошқармаси, Ходимлар билан ишлаш, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бошқармаси, Мувофиқлик тизими (комплаенс) хизмати	Соҳада мунтазам ва профессионал назоратни таъминлайди.

МТ(К)Х бошлиғи



А.Рахмонов